ИНСОН ҚАДРИ УЧУН, ИНСОН БАХТИ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета № 2 (1328), 2025 йил 4 январь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРНИ МАНЗИЛЛИ ҲАЛ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонун ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида ахборот берилди.

Мазкур қонун 17 та модда ва 10 та иловадан иборат бўлиб, унда асосий иқтисодий кўрсаткичлар ўз ифодасини топган. Хусусан, 2025 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 6 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Консолидациялашган бюджет даромадлари 431 триллион сўм миқдорида, харажатлари эса 480,5 триллион сўм миқдорида режалаштирилган ҳолда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз миқдоридаги тақчиллик билан тасдиқланди.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари баланси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 фоиз миқдорида тақчиллик билан шакллантирилди. Бунда давлат бюджети даромадлари 308,5 триллион сўм, харажатлари эса давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олган ҳолда 344,8 триллион сўм миқдорида режалаштирилди.

2025 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари прогнози 65,8 триллион сўм, харажатлари прогнози 84,3 триллион сўм миқдорида бўлиши инобатга олинган. Шунингдек, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга 18,5 триллион сўм миқдорида тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар ўтказиб берилиши назарда тутилган.

Қонунга кўра, бу йил ҳам бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинди. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, фан, маданият ва спортни ривожлантириш, муҳтож аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби тадбирлар учун жами давлат бюджети харажатларининг 52 фоизи йўналтирилади.

Маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш ва мустақиллигини ошириш мақсадида қуйидаги солиқ турлари қўшимча тарзда туман ва шаҳарлар бюджетларида қолдирилади:

— айланмадан олинадиган солиқ, юридик шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари тўлиқлигича (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно);

— жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларининг камида 50 фоизи (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно);

— давлат мулкини хусусийлаштиришдан маҳаллий бюджетларга тушадиган тушумларнинг 50 фоизи.

Шунингдек, туман ва шаҳарлар маҳаллий Кенгашларига айрим солиқ турлари бўйича коэффициент қўллаш ваколатлари берилган.

Умуман, давлат бюджети жорий йилда ҳам иқтисодиётни изчил ривожлантириш, ижтимоий масалаларни манзилли ҳал этиб, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

ЎзА

МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИК ВА БАНКЛАРНИНГ МУВОФИҚЛАШГАН ФАОЛИЯТИ БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

3 январь куни Президент Шавкат Мирзиёевга банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилиш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Бу ҳақда ўтган йил 16 декабрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида топшириқ берилган эди. Шундан келиб чиқиб, 2025 йилда жами 5 миллион 200 минг нафар, жумладан, банклар томонидан 3 миллиондан зиёд аҳолини банд қилиш режалаштирилди.

Шу мақсадда 208 та туман ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда банклар раҳбарлари томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди, бунда томонларнинг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилди.

Ҳар бир маҳалла бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланди. Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган “маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида ажратиладиган 1 миллиард доллар кредит ресурслари банклар ва ҳудудлар кесимида тақсимланди. Лойиҳа ишлаб чиқиш, кредит ажратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича туман банки раҳбарига ойма-ой самарадорлик кўрсаткичи қўйилди.

Энди Марказий банк раиси ва унинг ўринбосарлари ҳудудларга чиқиб, жойлардаги банк филиалларининг маҳаллалардаги ишини янгича ёндашув асосида ташкил қилади. 2025 йил 1 февралга қадар туман банклари филиалларида маҳаллабай ишлаш бўлимлари ташкил этилиб, уларга “маҳалла банкирлари” тайинланади. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада улар билан бирга ишлайдиган “ёрдамчи-агентлар” танлаб олинади.

Ҳудудий банклар ҳамда туман ҳокимлари аҳолини тайёр бизнес лойиҳалари билан таништириб боради, уларни амалга ошириш кўникмалари ўргатилади.

“online-mahalla.uz”, “bank-kredit.uz” ва “soliq.uz” ахборот тизимлари интеграция қилиниб, масъулларга юкланган вазифалар ижроси кунлик таҳлил қилиб борилади. Фаолияти қониқарсиз бўлган раҳбарларга чора кўрилади.

2025 йил бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда ҳал қилувчи йил бўлиши, бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар ва иқтисодий-молиявий тузилмаларнинг мувофиқлашган ишини фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТУРКИСТОН ЖАДИДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ АСОСЧИСИ, АТОҚЛИ АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, НОШИР ВА ПЕДАГОГ МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз тарихида ғоят мураккаб ва синовли давр бўлган XX аср бошида майдонга чиққан Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси ҳисобланади. У миллий озодлик ҳаракатининг буюк намояндаси сифатида илм-фан, таълим ва тарбия, адабиёт ва санъат, матбуот соҳаларини ривожлантириш, жаҳондаги илғор тараққиёт ютуқларини ўзлаштириш орқали халқимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш ҳамда ҳурриятга эришиш йўлида ўз ҳаётини бахш этган фидойи зотдир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий чор ҳукумати ва маҳаллий мутаассиб кучларнинг мислсиз қаршилигига қарамасдан, юртимизда биринчилар қаторида илк замонавий мактаблар ташкил қилиш, улар учун зарур дарсликлар яратиш, нашриёт ва театрлар барпо этиш ишларига бош-қош бўлди. Моҳир публицист сифатида ўз даврининг долзарб муаммоларига бағишланган қатор салмоқли асарлар ва икки юздан ортиқ мақолалар яратди. Шу билан бирга, “Самарқанд” газетаси ҳамда “Ойина” журналига асос солди. 1914 йилда “Турон” театрида саҳналаштирилган “Падаркуш” пьесаси орқали ўлкамизда театр санъатининг тамал тошини қўйди. Афсуски, атоқли адиб ва жамоат арбоби бўлган бу мутафаккир зот 44 ёшида ёвуз кучлар қурбони бўлди.

Мустақиллик даврида Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур тадқиқ қилиш, илмий ва бадиий асарларини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонида унинг муаззам ҳайкали ўрнатилгани, Самарқанд шаҳрида уй-музейи ташкил қилингани мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа сифатида эътироф этилди. Истеъдодли драматурглар учун Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги мукофот таъсис қилингани шу йўлдаги янги амалий қадам бўлди.

Давоми 2-бетда



ФАРҒОНА: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Ислоҳот одимлари

Ўзбекистон гавҳари сифатида эътироф этиладиган Фарғона вилоятида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, аҳолининг фаровонлигини юксалтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришилди.

Айниқса, 2024 йил фарғоналиклар учун эсда қоларли ютуқлар йили сифатида тарихга муҳрланди. Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи давомида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кўплаб лойиҳаларга старт берилди, йирик саноат корхоналари ишга туширилди. Бундай янгиланиш ва ўзгаришлар халқимиз ҳаётидан рози бўлиб яшаши, ислоҳотлар самарасини эртага ёки узоқ келажакда эмас, балки бугун кўриб, ҳис этиши учун имконият берди.

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида тадбиркорлик, инвестиция муҳитини шакллантириш орқали экспорт ва саноат салоҳиятини ошириш, илм-фан, туризм, қишлоқ хўжалиги сингари муҳим тармоқларни ривожлантириш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар амалга ошириляпти. Амалий ислоҳотлар шаҳар ва қишлоқларда умргузаронлик қилаётган одамлар ҳаёт тарзида яққол намоён бўлмоқда.

Ўтган йилда фарғоналикларнинг кўплаб фазилатлари намоён бўлди. Ҳар бир оила, айниқса, ишсиз, камбағал, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамюртларимизга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиб, даромад топишига кўмаклашилди, ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.

Давоми 3-бетда

Буюк ўзбек йўли

ТРАНСПОРТ АРТЕРИЯЛАРИ

ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИМИЗ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА КАТТА ҲИССА ҚЎШАДИ

Мазкур соҳани иқтисодиётнинг қон томири, деймиз. Темир йўллар ва транспорт қанчалик муҳимлигини дунёдаги мураккаб вазият ҳам кўрсатяпти. Шу боис, йўналишларни диверсификация қилиш, юк ва йўловчи ташиш жараёнларини тезлаштириш, транспорт хизматлари таннархини пасайтириш жуда муҳим.

Боз устига, мамлакатимизда иқтисодиёт, савдо алоқалари ҳам йилдан йилга ривожланмоқда. Аҳоли даромади, ҳудудларнинг туризм салоҳияти ошяпти. 2030 йилга бориб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш мақсади қўйилган. Шунинг учун транспорт “артерия”ларига алоҳида аҳамият бериш давр талаби.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг халқаро транспорт ва транзит салоҳиятини юксалтириш борасида ҳам янги уфқлар очилмоқда. Стратегик аҳамиятга эга бўлган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича амалий ишлар бошлангани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

2024 йил 27 декабрь куни Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон янги магистрал темир йўли қурилишига старт берилди. Шу муносабат билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев маросим иштирокчиларига йўллаган мурожаатида халқаро аҳамиятга эга янги транспорт артерияси яратилаётганини, бу мамлакатлар иқтисодиёти ва бепоён минтақамиз учун катта самара беришини алоҳида қайд этди.

Давоми 2-бетда

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили



“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА ИНҚИЛОБИ

ЎЗБЕКИСТОН БУНИ ҚАНДАЙ УДДАЛАМОҚДА?

Таниқли ихтирочи Томас Эдисон томонидан дунёдаги илк электр лампочкаси яратилганидан буён инсоният сунъий ёруғлик — электр токидан фойдаланиб келади. Аммо лампочка ва бошқа ёритқичлар электр токини қабул қилувчи қурилма, холос. Электр энергиясини ҳосил қиладиган омиллар бошқа — улар табиий газ, кўмир каби маъданларнинг ёқилиши ҳисобига ишлаб чиқарилади. Гарчи бу атмосферага катта миқдорда зарарли газ чиқишига олиб келадиган усул бўлишига қарамай, бир неча асрлар давомида шундай бўлиб келган. Бироқ бизнинг давримизга келиб, табиий ресурсларнинг муттасил қисқариши, инсониятнинг эса эҳтиёжи ортаётгани, глобал иқлим муаммолари электр энергияси ишлаб чиқаришнинг муқобил, хавфсиз ва қайта тикланадиган манбаларини яратиш заруратини оширди.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТУРКИСТОН ЖАДИДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ АСОСЧИСИ, АТОҚЛИ АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, НОШИР ВА ПЕДАГОГ МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Маҳмудхўжа Беҳбудий асарларининг ёш авлодимиз интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, шу асосда уларни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда унинг бебаҳо меросини янада кенгроқ ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2025 йилда Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог **Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш бўйича **ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов) икки ҳафта муддатда Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган **чора-тадбирлар дастури**ни тасдиқласин.

Ушбу дастурда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мутафаккир адибнинг **“Танланган асарлар”** тўплами, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий-оммабоп китобларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида **спектакллар** саҳналаштириш ҳамда бугунги кунга қадар яратилган **“Маҳмудхўжа Беҳбудий”** киносериали ва **“Халқ юраги”** бадиий-публицистик фильмларининг оммавий намойишларини ташкил қилиш;

Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва ижоди, шунингдек, Туркистон жадидлик ҳаракати намояндаларининг фаолиятига оид **тасвирий санъат асарлари кўргазмаси**ни уюштириш;

умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари, “Темурбеклар мактаблари” курсантлари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида **“Маҳмудхўжа Беҳбудий сабоқлари”** мавзусида иншолар танловини ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш;

барча бўғиндаги таълим муассасалари, кутубхоналар, меҳнат жамоалари, маҳаллалар ва ҳарбий қисмларда таниқли олимлар ва адиблар иштирокида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва ижодига бағишланган **ижодий учрашувлар, адабиёт ва китобхонлик кечалари**ни ташкил қилиш;

замонавий рақамли ва тарғибот технологиялари асосида Маҳмудхўжа Беҳбудий асарларини ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш;

2025 йил октябрь ойида Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида **“Маҳмудхўжа Беҳбудий мероси ва жадидлик ҳаракатини ўрганишнинг долзарб масалалари”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилиш;

2025 йил ноябрь ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигига бағишланган **тантанали адабий-маърифий хотира кечаси**ни ўтказиш;

Самарқанд шаҳридаги Маҳмудхўжа Беҳбудий уй-музейи ҳудудини ободонлаштириш ҳамда **музей экспозициясини бойитиш**;

Қарши шаҳридаги кўчалардан бирига **Маҳмудхўжа Беҳбудий номи**ни бериш ҳамда унга бағишланган **ёдгорлик лавҳаси**ни ўрнатиш;

Интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган аудиовизуал асарлар яратиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида туркум материалларни эълон қилиш.

Ташкилий қўмитага Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда уюштириш, мазкур қарорга асосан белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ташкилотчиларга Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 27 декабрь

Буюк ўзбек йўли

ТРАНСПОРТ АРТЕРИЯЛАРИ

ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИМИЗ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА КАТТА ҲИССА ҚЎШАДИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОРҚАЛИ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЛОГИСТИКА КЛАСТЕРЛАРИНИ БАРПО ЭТА ОЛАДИ. МАСАЛАН, ХИТОЙ — ҚИРҒИЗИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛИ АТРОФИДА ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХАБЛАРИНИ ЯРАТИШ РЕГИОНАЛ КЛАСТЕРЛАР ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚА ОҚИМИНИ КЕСКИН ОШИРАДИ. ТРАНСПОРТ ЙЎЛЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ НАФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ, БАЛКИ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ҲАМ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда



Бундан ярим йил олдин мазкур стратегик трансминтақавий лойиҳани амалга ошириш бўйича биринчи тўлақонли битим имзоланган эди. Ўтган қисқа даврда техник ҳужжатларни тайёрлаш ишлари якунланди. Бу уч қўшни мамлакат салкам 30 йил давомида интилиб келган том маънодаги тарихий воқелик ҳисобланади. Янги транспорт артерияси Марказий Осиё минтақасини Хитой билан қисқа ер усти йўли орқали боғлайди, давлатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва стратегик шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Кўприк вазифасини бажариб, ҳамкор давлатлар ўртасида узоқ муддатли барқарорликни кафолатлайди.

Ушбу темир йўл лойиҳаси минтақа давлатлари ўртасида транспорт-коммуникация алоқаларини янги босқичга олиб чиқади. Бир томондан, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой ўртасидаги логистика занжирини кескин қисқартириш, юк ташиш харажатларини камайтириш ва транзит муддатини оптималлаштириш имкони яратилади.

Иккинчи томондан, бутун Марказий Осиёда мавжуд транзит йўлларига муқобил бўлган янги йўналиш пайдо бўлади. Бу нафақат минтақа ичидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди, балки Европа ва Осиё ўртасидаги халқаро транспорт йўлларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Натижада Марказий Осиё минтақасининг глобал савдо-сотиқ тармоқларидаги ўрни ошади, рақобатбардошлик кучаяди.

Хусусан, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида мультимодал транспорт коридорларини ривожлантиришда яна бир мустаҳкам пойдевор яратилади, бу эса халқаро иқтисодий ва геосиёсий интеграцияни кучайтиради. Ушбу темир йўлнинг аҳоли турмуш тарзига таъсири хусусида тўхталадиган бўлсак, унинг ишга туширилиши билан юк ташиш харажатлари сезиларли даражада камаяди. Натижада четдан келтириладиган товарларнинг нархи арзонлашиши, маҳаллий ишлаб чиқариш учун хомашё ва бутловчи қисмларнинг ўз вақтида ва арзонроқ етиб келиши таъминланади. Темир йўл атрофидаги инфратузилма, логистика марказлари, чегара постлари, хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланиши сабабли минглаб янги иш ўрни пайдо бўлади. Бу эса аҳоли бандлиги ва даромадларини оширади.

Кошғар — Торугарт — Макмал — Жалолобод — Андижон йўналиши бўйича 20 та станция, 42 та кўприк, 25 та тоннель барпо этилади. Бундан ташқари, замонавий транзит-логистика инфратузилмаси, омборхона ва терминаллар қурилади. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу магистрал йўлнинг ишга туширилиши минтақавий савдо ва инвестициялар ҳажмини бир неча баробар кўпайтириш, транспорт харажатларини сезиларли даражада қисқартириш, Марказий Осиёнинг улкан транзит салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Ушбу йўл орқали йилига 15 миллион тонна юк ташилади. Хитойдан Европа мамлакатларига юкларни етказиб бериш масофаси ва муддати бир неча минг километр ва камида бир ҳафтага қисқаради. Йўловчиларни мунтазам ташишни йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади.

Келгусида эса мазкур темир йўл линияси Трансафғон йўлаги билан туташиб, Хитой, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё ўртасидаги транспорт-коммуникация тармоқларини самарали бирлаштириш ва кучайтиришга имкон яратади. Бундан, ҳеч шубҳасиз, барча мамлакатлар иқтисодий фойда кўради. Албатта, ушбу лойиҳа Буюк ипак йўлининг қайта тикланишига, маданий-гуманитар алмашувлар ривожига, халқларимизнинг янада яқинлашувига хизмат қилади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ва саноат кооперацияси кўлами, инвестицион жозибадорлик ўсиб, мамлакатлар фаровонлиги ортади.

Президентимиз таъкидлаганидек, янги темир йўл энг йирик савдо ҳамкоримиз бўлмиш Хитой билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириб, мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштиришга хизмат қилади. У Хитойни минтақа билан боғловчи энг қисқа қуруқлик йўлига айланади. Умуман олганда, тизимдаги ислоҳотлар ана шундай йирик лойиҳаларни рўёбга чиқаришга мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик мақомида. Транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик эса икки давлат сиёсий манфаатларининг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ўртасидаги мунтазам учрашувлар ҳамда олий даражадаги мулоқотлар ушбу лойиҳанинг тезкор бошланишида муҳим омил бўлди. Биламизки, Хитой ўзининг йирик инвестициявий лойиҳалари ва молиявий институтлари орқали инфратузилма қурилишига салмоқли маблағ киритишга тайёр. Ўзбекистон ва минтақа давлатлари бундай сармояларни жалб қилиш орқали нафақат темир йўл, балки автомобиль йўллари, энергетика иншоотлари, логистика марказларини ривожлантириши мумкин.

Хитой инфратузилма қурилиши йўналишида катта тажриба орттирган. Замонавий технологияларни жорий этиш, қурилиш материалларини стандартлаштириш ва сифатни ошириш бўйича ҳамкорлик туфайли Ўзбекистонда ҳам юқори малакали мутахассислар сони кўпаяди, қурилиш соҳасидаги инновацион ёндашувлар кучаяди.

Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали йирик ишлаб чиқариш ва логистика кластерларини барпо эта олади. Масалан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли атрофида транспорт-логистика хабларини яратиш регионал кластерлар ўртасидаги иқтисодий алоқа оқимини кескин оширади. Транспорт йўлларининг ўзаро боғлиқлиги нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва ижтимоий барқарорликни ҳам таъминлайди.

Минтақа давлатлари ҳамкорлиги кучайса, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик бўйича янги механизмлар ишлаб чиқилиши мумкин бўлади, жумладан, божхона, чегарачилар ва назорат органлари ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланади.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг ишга тушиши нафақат транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантиради, балки минтақавий интеграция жараёнларини жадаллаштиради, аҳоли фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади ва Ўзбекистоннинг Хитой билан икки томонлама ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқади. Бу йўналиш бўйича қўлга киритиладиган барча ютуқлар келажак авлодларга ҳам катта манфаат келтиришига шубҳа йўқ. Бинобарин, келгусида ушбу йўл истиқболли Трансафғон йўлаги орқали Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ давлатларининг кенг бозорларига чиқиш имконини беради, транзит салоҳияти ва минтақалараро ўзаро боғлиқликни сезиларли даражада оширади.

Бу йўл Хитой учун ҳам Марказий Осиё ва Яқин Шарқни боғлайдиган энг истиқболли, энг қисқа йўл. Ҳозир Хитой ўз юкларини Европага Хитой — Мўғулистон — Россия — Беларусь — Европа Иттифоқи (8650 километр), Хитой — Қозоғистон — Каспий денгизи — Озарбайжон — Грузия — Туркия — Европа Иттифоқи (9120 километр), Хитой — Қозоғистон — Туркманистон — Эрон — Туркия — Европа Иттифоқи (10170 километр), Хитой — Европа Иттифоқи денгиз йўли (10 минг километрдан ортиқ) йўналишлари орқали жўнатяпти. Янги Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли илгаридан мавжуд бўлган Туркманистон — Эрон — Туркия ва Европа Иттифоқи йўналиши бўйича давом этиши, масофани 900 километрга, юкнинг йўлдаги вақтини бир ҳафтага қисқартириши мумкин. Қолаверса, айни пайтда давлатлар ўртасида давом этаётган турли зиддиятлар халқаро юк ташувчиларни янги йўналишларни қидириб топишга ундади.



БУ ЙЎЛ ХИТОЙ УЧУН ҲАМ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЯҚИН ШАРҚНИ БОҒЛАЙДИГАН ЭНГ ИСТИҚБОЛЛИ, ЭНГ ҚИСҚА ЙЎЛ. ҲОЗИР ХИТОЙ ЎЗ ЮКЛАРИНИ ЕВРОПАГА ХИТОЙ — МЎҒУЛИСТОН — РОССИЯ — БЕЛАРУСЬ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ (8650 КИЛОМЕТР), ХИТОЙ — ҚОЗОҒИСТОН — КАСПИЙ ДЕНГИЗИ — ОЗАРБАЙЖОН — ГРУЗИЯ — ТУРКИЯ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ (9120 КИЛОМЕТР), ХИТОЙ — ҚОЗОҒИСТОН — ТУРКМАНИСТОН — ЭРОН — ТУРКИЯ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ (10170 КИЛОМЕТР), ХИТОЙ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕНГИЗ ЙЎЛИ (10 МИНГ КИЛОМЕТРДАН ОРТИҚ) ЙЎНАЛИШЛАРИ ОРҚАЛИ ЖЎНАТЯПТИ.

Юк ташишда Марказий Осиё йўналишининг афзаллиги ҳақида тобора кўп гапирила бошланди. Ушбу кенг кўламли лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳудудида барча зарур инфратузилма яратилган. Бундан ташқари, мамлакатимиз замонавий темир ва автомобиль йўллари миллий тармоғини кенгайтирмоқда, юкларни қайта ишлаш ва ташиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида рақамли технологияларни фаол жорий қилмоқда. Узоқ муддатли умумий манфаатларимизга жавоб берадиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли стратегик лойиҳаси дўстлик ва шериклик муносабатларимизни мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз, халқларимиз фаровонлиги ва тараққиётига катта фойда келтириши шубҳасиз.

Ушбу йўл юқорида айтганимиздек, бизга Трансафғон йўлаги орқали Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ давлатларининг кенг бозорларига чиқиш имконини беради.

Жанубий Осиё географик жиҳатдан Марказий Осиёга ниҳоятда яқин. Масалан, Термиз шаҳридан Покистоннинг Карачи портигача атиги 660 километр йўл босиш кифоя. Бу ҳатто мамлакатдаги бир шаҳардан иккинчи шаҳаргача бўлган масофадан ҳам кам. Шу нуқтаи назардан, Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар йўналиши Марказий Осиёдан Ҳинд океанига олиб борувчи энг қисқа йўл эканини қайд этиш жоиз. Денгиз портларига чиқиш ҳамда бу бўйича қулай транспорт коридорларини яратиш Ўзбекистон учун стратегик вазифа. Бусиз дунё билан савдо-сотиқ қилишимиз, миллий маҳсулотларнинг ҳамёнбоплигини таъминлашимиз, экспорт салоҳиятимизни ошириб, иқтисодий тараққиёт сари илдамлашимиз имконсиз.

Покистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш асносида мамлакатимиз яна бир йирик транспорт-логистика лойиҳаси — Пешоварга олиб борувчи Трансафғон темир йўли қурилишига бош қўшиши кутилмоқда. Чунки бунинг ортида, аввалambor, иқтисодий манфаат ётибди. Жанубий Осиё минтақаси билан яқинлашишимизнинг асл сабаби ҳам шунда.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида илгари сурган БМТ кўмаги остида транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш бўйича Минтақавий марказни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси Марказий Осиё минтақасида транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантириш ва ушбу йўналишдаги муаммоларнинг самарали ечимини топишга қаратилган.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида кўраётир. Бу йўналишда бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида ҳаво қатнови ва Ғалаба — Амузанг — Ҳушади темир йўли тикланди.

Ўзбекистон ва Туркманистон саъй-ҳаракатлари билан Амударё орқали ўтадиган Туркманобод — Фороб янги темир йўл ва автомобиль кўприклари очилди. Ушбу кўприклар Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ўмон транспорт-транзит йўналишининг муҳим бўғини ҳисобланади. Бу йўл юк ташиш ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини берди. Амударё орқали ўтадиган кўприклар юк оқимларини Осиё ва Тинч океани минтақаси, Жанубий Осиё давлатларидан Каспий денгизи, ундан кейин Қора денгиз ва Ўрта ер денгизи минтақаси, Европа, Кавказорти, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига тўғридан тўғри олиб чиқиш имконини беради.

Шунингдек, ушбу кўприклар Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ўмон транспорт-транзит йўналишининг муҳим бўғини ҳисобланади. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида автобус йўналишлари, тезюрар темир йўл алоқалари ишга туширилди. Қирғизистон билан Марказий Осиёдан илк бор тўғридан тўғри Хитойга чиқадиган Тошкент — Андижон — Ўш — Иркештом — Кошғар автомобиль йўлаги бўйича қатнов йўлга қўйилди. Бу лойиҳалар Марказий Осиёнинг бошқа хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришга ёрдамлашади.











Ислоҳот одимлари

ФАРҒОНА: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Хайрулло БОЗОРОВ,
Фарғона вилояти ҳокими

Бошланиши 1-бетда

Ишли одам бахтли бўлади

Аҳоли бандлигини таъминлаш бугун ҳар қачонгидан-да устувор вазифалардан. Ўтган йилда инвестиция жалб этиш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида 447,4 мингдан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланди. Бунинг натижасида ишсизлик даражаси, 5,7 фоизга тушди. Бу йўналишда Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Ғиждувон тажрибаси ҳар бир маҳаллага кириб борди, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда дастурилмал бўлиб хизмат қилди. Масалан, банклар билан биргаликда маҳаллаларда 73 минг кишининг бандлиги таъминланди. Бу жараёнда кам даромадли 6438 та оила танлаб олиниб, уларга 103 миллиард сўмлик ижтимоий пакет етказиб берилди. 32 минг 153 та микролойиҳа доирасида 989 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Натижада 59 минг одам муқим иш ўрнига эга бўлди. Уйчи тажрибаси асосида банкларнинг фаол мижозлари билан ишлаши натижасида 9445 та иш ўрни очилди. Зарбдор тажрибаси доирасида қиймати 2,1 триллион сўмлик 234 та лойиҳа ишга туширилди, 11 мингта иш ўрни тайёрланди. Ғиждувон тажрибаси асосида маҳаллаларда 590,3 миллиард сўмлик 324 та лойиҳани ишга тушириш орқали аҳоли муқим даромад манбаи билан таъминланди.

2024 йил аввалида вилоятда камбағал оилалар 133,7 мингта, камбағаллик даражаси 11,7 фоизни ташкил этган. Ислоҳотлар натижасида охирги уч йилда 217 минг фуқаро камбағалликдан чиқарилди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 7096 та камбағал оилага 1430 раҳбар бириктирилган. Улар камбағалликдан чиқариш бўйича ҳар бир оила билан алоҳида режа асосида ишлаяпти. Бу орқали йил якуни бўйича камбағал оилалар сони 106,9 мингтага, камбағаллик даражаси 7,9 фоизга туширилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда маҳаллабай, хонадонбай ишлаш тизими йўлга қўйилгани ижобий самара берди. Вилоятимиздаги 1063 та маҳалланинг ҳар бирини муайян йўналишга ихтисослаштиришга эътибор қаратиляпти. Бугунга қадар маҳаллаларнинг 220 таси саноат, 281 таси деҳқончилик ва томорқачилик, 238 таси кўчатчилик, гулчилик, узумчилик, 144 таси хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилди. Натижада 106 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланди. 2025 йилда барча маҳаллалар ўзи учун драйвер бўлган соҳа бўйича ихтисослашади.

Кутилаётган ишсизлик ҳамда меҳнат бозорига кириб келувчиларни инобатга олган ҳолда, 2025 йилда 497,5 минг кишини иш билан таъминлашни мақсад қилдик. Бунинг ҳисобига ишсизлик 4 фоизга туширилди.

Келсангиз, ҳайратда қоласиз

Кейинги йилларда вилоят аҳолиси йилига ўртача 88 минг кишига кўпаймоқда. Бу қўшимча 40 та мактаб, 100 та боғча, 20 та шифохона, 4 минг хонадонли уй-жой ва 50 минг иш ўрнига эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Мазкур рақамлар замиридаги масала ниманинг ҳисобига ҳал этилади? Албатта, саноат имкониятини ошириш, инвестиция ва инвесторлар оқимини кўпайтириш, янги уй-жойлар қуриш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали ечилади.

Фарғонада уй-жойлар қуриш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасидаги ҳаётбахш янгиланишлардан кўплаб фарғоналиклар баҳраманд бўлмоқда. Вилоятнинг ўзига хос янги тимсоли бўлган экошаҳар — “Янги Ўзбекистон” массиви қуриб битказилди.

Кўз ўнгимизда дунёнинг мегаполислари билан бўйлашаётган, шарқона латофат, замонавий шаҳарсозлик ва ландшафт архитектура анъаналари билан уйғунлашган муҳташам уй-жой массиви бўй кўрсатди. Бу ерда яшаш истагидаги юртдошларимиз сафи кундан кун кенгайиб бормоқда. Шаҳримиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юбораётган файзли ва обод кўчалар, баланд иморатлар халқимизнинг фазилатларига хос бунёдкорлик ҳамда яратувчанликнинг ёрқин тимсоли.

Кўҳна Фарғонанинг жанубий сарҳадларига туташ, яқин йилларгача бир гиёҳ унмаган, тош-шағалдан иборат дала-даштда янги шаҳар қурилишининг биринчи босқичи якунига етди. Умумий майдони 300 гектар масканда 2800 хонадондан иборат 75 та кўп қаватли уй-жой қуриб битказилди. Иккинчи босқичда яна 25 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилиши ҳисобига 1350 оила янги уй билан таъминланади.

Хитойлик инвесторлар Фарғона водийсида ягона, қиймати 25 миллион долларлик 30 қаватли муҳташам мажмуа қурилишини жадал давом эттирмоқда. “ECO TOWER” биносида меҳмонхона, турар жой, савдо ва кўнгилочар мажмуалар ўрин олади. Япониялик инвесторлар ташаббуси билан 3 гектар майдонда “Япон боғи” ва меҳмонхона, бир гектарда замонавий тиббиёт клиникаси қурилмоқда. Швейцариянинг “RABAT” компанияси ташаббуси билан 4,5 гектар майдонда замонавий савдо мажмуаси қад кўтаради.

“Янги Ўзбекистон” массиви мамлакатимизда ўхшаши йўқ, ноёб ва мукаммал ёндашув асосида қурилди. Экологик тоза, “яшил” иқтисодиётга асосланган инновацион ғоялар ва технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир уй энергиятежамкор. Янги даҳа об-ҳавосини мўътадиллаштириш, мунтазам обиҳаёт билан таъминлаш мақсадида умумий узунлиги 11 километр





сифатли бажариш имконини беради. Бу омиллар сабаб уйлар баҳоси сезиларли даражада арзонлашди. Шу ернинг ўзида банк кредити, субсидия ажратиш, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ масалаларни бир жойда, бир вақтда ҳал этиб берувчи “Ипотека” маркази ишлаб турибди.

Аҳолининг уй-жойга талабини қондириш, яшаш учун муносиб шарт-шароит яратиш бу билан чекланиб қолгани йўқ, албатта. Айни



сув ўзани бунёд этилди. Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида ариқлар бетонланди, дарахт ва яшил майдонларда ёмғирлатиб, томчилатиб суғориш тизими ўрнатилди. Ҳудудга ўзига хос тароват, файз бериб турувчи сунъий кўл ва замонавий фавворалар қурилиши поёнига етказилди.

Фарғона тумани Дамкўл қишлоғидан 14,2 километр тоза ичимлик сув, 7,5 километр юқори кучланишга эга электр тармоқлари тортилди. Шунингдек, 11,2 километр янги тозалаш қувури ишга туширилди. Хонадонларни иссиқлик билан таъминлаш учун 21 минг мегаватт қувватга эга марказлашган иситиш қозони қурилди. Айни жараёнда 420 ўринли 3 та мактабгача таълим ташкилоти, 990 ўринли 2 та умумтаълим мактаби, 250 қатнов ўринга эга марказий поликлиника қурилиши якунланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур фермер Лолахон Муротова номидаги қишлоқ хўжалиги йўналишлари учун малакали мутахассислар тайёрловчи фермерлар мактаби илк тингловчиларни қабул қилди. “Янги Ўзбекистон” боғи ташкил этилиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтган йилнинг ўзида 20 хилдан ортиқ 35 минг туп манзарали кўчат экилди. Аҳоли мароқли ҳордиқ чиқариши, маданий-маърифий кеча, кўнгилочар тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 4 минг ўринли амфитеатр қурилди ва унга уйғун тарзда сунъий кўлда мусиқали фавворалар ўрнатилди. Ички йўллар бошқа ҳудудлар билан туташтирувчи ҳалқа йўл билан бирлаштирилди, жамоат транспорти қатновига қулай жойда шоҳбекатлар барпо этилди. Эллик гектар майдонда кичик саноат зонасининг ишга туширилиши ҳисобига 20 мингдан зиёд иш ўрни очиш борасида ишлар қилиняпти. Экошаҳардаги уйларда табиий газ ишлатилмайди. Қуёш панели, “ақлли” ва тежамкор жиҳозлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ шарт-шароит яратиб берилди. Ҳар бир уй том қисми, йўл ва йўлакларига “ақлли” чироқ ўрнатилган. Қуёш панеллари ишлаб чиқарган электр энергияси хонадон ва хизмат кўрсатиш тармоқларига узлуксиз етказиб берилмоқда. Барча уй-жойлар базальт билан қопланди. Бу уйнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди.

Коммуникация жиҳозлари ер остида — битта туннелда жамланди. Бу таъмирлаш ишларини қулай шароитда, ортиқча харажатсиз, шундай замонавий шаҳар қурилишига тамал тоши қўйилиб, қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, реновация дастури асосида маънан эскирган уй-жойлар ўрнида замонавий кўп қаватли уйлар қурилмоқда.

2024 йил аввалида вилоятда камбағал оилалар 133,7 мингта, камбағаллик даражаси 11,7 фоизни ташкил этган. Ислоҳотлар натижасида охирги уч йилда 217 минг фуқаро камбағалликдан чиқарилди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 7096 та камбағал оилага 1430 раҳбар бириктирилган. Улар камбағалликдан чиқариш бўйича ҳар бир оила билан алоҳида режа асосида ишлаяпти. Бу орқали йил якуни бўйича камбағал оилалар сони 106,9 мингтага, камбағаллик даражаси 7,9 фоизга туширилди.

Инвестиция салоҳияти

Сўнгги етти йилда вилоятимиздаги саноат корхоналари 2,8 баробар кўпайиб, 13 мингтага етди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот 2017 йилда 6,8 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб, бу борадаги кўрсаткич салмоғи 20,3 миллион сўмдан ортди. Бу табиий равишда ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятини оширди. Кейинги йилларда нефть, кимё, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, чармни қайта ишлаш, фармацевтика, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми ошди, сифати яхшиланди.

“Қўқон” эркин иқтисодий зонасида фойдаланишга топширилган 99 та лойиҳа ҳисобига умумий қиймати 1 триллион 939 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, 68,3 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилди. Бугунги кунда умумий қиймати 341,3 миллион доллар бўлган 35 та йирик лойиҳада қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига қўшимча 6515 та янги иш ўрни очилади.

Аввалари хорижий инвесторларни олиб келиш, улар учун муносиб шароит яратиб беришда катта муаммоларга дуч келинган. Ортиқча қоғозбозлик, таниш-билишчилик

тириш жараёни билан боғлиқ масалаларни бир жойда, бир вақтда ҳал этиб берувчи “Ипотека” маркази ишлаб турибди.

Аҳолининг уй-жойга талабини қондириш, яшаш учун муносиб шарт-шароит яратиш бу билан чекланиб қолгани йўқ, албатта. Айни кунда Ёзёвон ва Фарғона туманларида “Янги Ўзбекистон” массивлари қуриш ишлари поёнига етаётган бўлса, Марғилон шаҳрида мана тиқболли лойиҳа ишга туширилди, 35 мингдан ортиқ иш ўрни очилади.

Фарғона вилоятига инвестиция киритмоқчи бўлганлар қаторида Хитой етакчилик қилмоқда. Бу давлат томонидан 915 миллион доллар инвестиция киритилди. Шунингдек, Россия, Германия, Сингапур, Туркия, Жанубий Корея, Таиланд сингари иқтисодиёти барқарор давлатлар фарғоналиклар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Жумладан, Данғара туманида Хитойнинг “Хонг Генг Фашон” МЧЖ ХК томонидан қиймати 8 миллион долларлик дуккакли экинлар ва қуритилган мевани қайта ишлаш ҳамда қадоқлаш лойиҳаси йилига 20 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Фарғона шаҳридаги “Бақай” кичик саноат зонасида “Toshloq samo biznes” МЧЖ ҚК томонидан қиймати 13 миллион долларлик мисни қайта ишлаш лойиҳаси, Бешариқ туманида Россия билан ҳамкорликда “Дружба ун комбинати” МЧЖ ХК томонидан ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хорижий инвестицияни кўпайтириш учун Жанубий Кореянинг Чунчоннамдо вилояти, Пёнтек, Инчон, Кимпо шаҳарларидаги йирик ишлаб чиқарувчилар ва саноат зоналари билан ҳамкорлик қиляпмиз. Чунчоннамдо вилоятида Фарғона инвестициялар ва савдо ваколатхонаси очилди. Ҳамкорлик натижасида бугун вилоятга инвестиция киритаётган мамлакатларнинг умумий сони 29 тага етди, қўшма ва хорижий корхоналар 800 дан ошди. Хорижлик ҳамкорлар ва салоҳиятли инвесторлар билан музокаралар туфайли 7,5 миллиард долларлик 1,5 минг лойиҳа пакети шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоятимизда янги саноат зоналари учун жами 1641 гектар ер майдони ажратиб берилди. Бу имконият натижасида 2025 йил вилоятимиз учун хорижий инвестицияларни жалб этишда энг самарали йил бўлади.

Ҳамкорликнинг дастлабки босқичида қиймати 2 миллиард долларга яқин 69 та лойиҳа бўйича манзилли ишлар ижросига киришдик. Хусусан, Хитой “Яшил қурилиш материаллари халқаро савдоси” уюшмаси билан “Қўқон” ЭИЗ Қувасой шаҳри ҳудудидаги 100 гектар майдонда “Яшил қурилиш материаллари халқаро саноат зонаси”ни ташкил этиш бўйича саъй-ҳаракатлар бошланди. Лойиҳанинг биринчи босқичида 30 гектарда замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, қиймати 100 миллион долларлик 20 та ва кейинги босқичларда 1 миллиард долларлик 50 та лойиҳани жойлаштириш режалаштирилмоқда.

Янги саноат зоналарида истиқболли ва юқори даромадли иш ўрни яратадиган лойиҳаларни амалга ошириш учун барча туман, шаҳарлардаги салоҳиятли тадбиркор ва мутасаддилар Хитойга амалий сафарларга йўналтирилди.

Бувайда туманида 1210 гектар ер ҳисобидан 50 гектарлик саноат зонасини Хитойнинг “Жэнгжоу Ронг Ян Ронг” уюшмаси бошқарувига бериш бўйича музокаралар якунланиб, пластик буюмлар, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги техникалари, халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишларини қамраб олган, қиймати 150 миллион долларлик 30 та лойиҳа жойлаштирилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига дунё бозорига маҳсулот етказиб берувчи экспортчилар сони 551 тага етди. Олтиариқдаги “Sherakhun” корхонаси томонидан АҚШнинг “NetCost” озиқ-овқат савдо тармоғининг Нью-Йоркдаги нуқталарига анъанавий экспорт бозоридан юқори нархда, қадоқланган узум етказиш йўлга қўйилди. Ҳозир 8 миллион долларлик 72 тонна маҳсулот чет элга жўнатилди. “HAVVO GROUP” корхонаси томонидан 21 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари БАА, Қозоғистон, Украина, Россия давлатларига экспорт қилинди.

Бу йўналишдаги географик ҳудудлар кенгайиб бориши туфайли вилоятимиз тадбиркорлари саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 70 га яқин мамлакатга экспорт қилмоқда.

“Яшил” иқтисодиёт сари

Фарғона вилоятининг иқтисодий имкониятини ошириш, ривожланиш босқичи билан боғлиқ лойиҳалар ҳақида гап кетганда, шубҳасиз, “яшил” энергетика соҳасидаги ислоҳотлар кўлами кенгайиб бораётганини айтиш жоиз.

Президентимиз ўтган йили 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига амалий ташрифи чоғида Ўзбекистон туманида Хитойнинг “Gezhouba Group” компанияси билан ҳамкорликда илк электр энергияси сақлаш тизими қурилиши лойиҳасини бошлаб берганди. Қисқа муддатда замонавий электр энергияси сақлаш тизими қуриб битказилгани бугунги ва эртанги кунимиз учун муҳим воқеа бўлди. Бу масаланинг бир жиҳати. Бошқа томондан эса янги лойиҳа орқали чекка ҳудудга янги ҳаёт, фаровонлик, бунёдкорлик анъаналари кириб келди. Сув етиб бормаган овлоқ жойларда обиҳаёт чиқарилди, янги йўллар ётқизилди, инфратузилма тармоқлари тортилди. Янги лойиҳа мамлакатимизда биринчи тармоққа уланган батарея энергия сақлаш тизими бўлибгина қолмай, Марказий Осиёдаги энг йирик энергия сақлаш омборидир. Электр энергиясини батареяда сақлаш, айниқса, қишда қўл келади. Кундузи юклама паст бўлган вақтда тизимни қувватлантириш, юклама юқори бўлганда уни бўшатиб, тизимдаги мувозанатни сақлашга ёрдам беради. Ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш хусусиятига эга.

Соҳа ривожи йўлидаги ислоҳотлар давоми сифатида Бешариқ туманида 500 мегаваттли қуёш фотоэлектр станциясини қуришга старт берилди. Лойиҳа қиймати 350 миллион долларлик тўғридан тўғри инвестицияни ташкил этади. Бунинг учун 1060 гектар чўл ҳудудидан ер ажратилди. Германиянинг “Hyper Partners” компанияси инвесторлигидаги лойиҳанинг қурилиш-монтаж ишлари Хитойнинг “China Western Pover industral” компанияси ва маҳаллий ташкилотлар томонидан бажарилади. Лойиҳа натижасида 1100 миллион киловатт-соат ёки 458 минг хонадоннинг бир йиллик истеъмолига тенг “яшил” энергия ишлаб чиқариш, 333 миллион куб метр табиий газни тежаш мумкин ҳамда 462 минг тонна зарарли моддаларнинг атмосферага чиқарилишининг олди олинади.

Сув ресурсларидан фойдаланиб муқобил электр энергияси ишлаб чиқариш борасидаги лойиҳалар аҳоли оғирини енгил қилмоқда. Алоҳида қабул қилинган дастур доирасида Фарғона туманида 2 та кичик ГЭС барпо этилди. Шоҳимардон қишлоғида қурилган 2,2 мегаваттли ва Юқори Водил қишлоғидаги 430 киловаттли станциялар йилига 13 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бунинг ҳисобига 3,5 миллион куб метр табиий газ сарфининг олди олинади. Эътиборлиси, бу йўналишлар учун керакли қуёш панеллари билан боғлиқ зарур жиҳозларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



Қувасой шаҳрида “Blue carbon” МЧЖ қўшма корхонасида панеллар, ёритиш ускуналари ҳамда уларни қувватловчи батареялар тайёрланяпти. Натижада импорт ҳажми камайди, маҳсулот таннархи арзонлашди, сифати яхшиланди. Тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳисобига барпо этилган корхонада йилига 200 мегаватт қуёш панели, 150 минг дона 30-40 турдаги 30-120 ваттгача бўлган қуёш панелли кўча чироқлари ишлаб чиқарилади. Лойиҳа натижасида йилига 10 миллион долларлик маҳсулотни Европа, Африка, МДҲ давлатларига экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Фарғоналиклар мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида фаоллик ва фидойилик кўрсатиб, баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Албатта, кириб келган янги йил Фарғона вилояти иқтисодиёти, аҳоли фаровонлигида юксалиш йили бўлиши учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА ИНҚИЛОБИ

ЎЗБЕКИСТОН БУНИ ҚАНДАЙ УДДАЛАМОҚДА?



Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Тилимизга ўрнашиб улгурган “яшил” энергетика атамаси шу аснода пайдо бўлиб, оммалашди. Яъни одамзод энди электр энергияси ҳосил қилишнинг табиий жараёнларига ўтиб боряпти. Қуёш, шамол, сув, шунингдек, геотермал ва биомасса каби қайта тикланувчи манбаларни ишлатиш ҳисобига энергия ишлаб чиқариш мамлакатлар олдидаги муҳим вазифага айланди. Бунинг икки муҳим сабаби бор. Биринчиси дунё миқёсида энергия ҳосил қиладиган манбалар тугаб бораётгани бўлса, иккинчиси атмосферага зарарли чиқинди газлар чиқарилиши ҳисобига ҳавонинг кескин ифлосланиши ва глобал иқлим муаммолари вужудга келаётганидир. Ҳар икки ҳолат ҳам давлатларнинг бир-бирига боғлиқлигини юзага келтиради. Айтайлик, энергетика ишлаб чиқариш қуввати бўлмаган мамлакат ўз-ўзидан бошқа давлатдан импорт қилиш ҳисобига боғланиб қолади. Экологик жиҳат эса аллақачон глобал масалага айланган. Инсоният нафас олаётган ҳаво зарарли чиқиндилар ҳисобига ифлосланишда давом этяпти. Иқлим ўзгаришларининг бошқа оқибатлари ҳам сайёрамизнинг ҳар бурчагида сезила бошлаган. Дунё халқлари бунга қарши биргаликда курашишга интилмоқда. Ўзаро битимлар, ишончли келишувлар имзоланган. Жаҳон иқтисодиётида “яшил” тараққиёт тамойилларини жорий этиш ҳаракати фаоллашгани боиси ҳам шунда. Мазкур ёндашув БМТнинг 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ҳамкорларимиз — гигант компаниялар

Қуёш бизга доим беминнат ёруғлик беради. Нур танамизга D витамини бўлиб сингади. Юртимиз шароитида бу ёруғликдан деярли йил — ўн икки ой баҳра оламиз. Аммо уни иқтисодий самарадорликка ҳам айлантириш мумкин. Масалан, қуёшдан худди табиий газ ва бошқа маъданлар сингари электр энергияси олса бўлади. Тўғри, буни мутлақо текин тушади деб бўлмайди. Чунки бу ҳам ўзига хос технология бўлиб, харажат талаб этади. Фарқи шундаки, қуёш, сув, шамол ва бошқа табиий манбалар инсон омили таъсирида ишлаб чиқарилмайди ва қайта тикланиш хусусиятига эга. Қолаверса, бу усулда экология учун зарарсиз, ортиқча исрофгарчиликларсиз, арзон ва узлуксиз электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин. Ана шуни “яшил”, яъни экологик тоза энергия деб атаймиз. Агар бу иқтисодиётнинг барча соҳалари ва умуман, ҳаётимизга кенг жорий этилса, биргина электр энергияси ишлаб чиқариш орқали экологияга етказилаётган зарарли таъсирни қанча камайтириш мумкинлигини тасаввур қилаверинг. Шунда мамлакатлар “яшил” тараққиёт тамойилларини жорий этишга интилаётгани сабаби янада ойдинлашади.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мазкур ҳаракатга қўшилган ва қисқа вақтда “яшил” тараққиёт томон юз буриб, мегалойиҳаларни амалга ошираётган давлат сифатида тилга олинмоқда. Бундан саккиз йил олдин мамлакатимизда қуёш ёки шамолдан электр энергияси олиш у ёқда турсин, бунинг учун зарур станциялар қуришнинг ўзини тасаввур қилиш қийин эди. Чунки бу борада ҳеч қандай тажриба бўлмаган. Фақат қуёшли ўлкада яшашимиз, бу деҳқончиликда қўл келиши ҳақида тўлқинланиб гапирардик. Бугун эса дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш имкониятлари ва ҳаракатлари ҳақида гапиряпти, йирик лойиҳаларни катта қизиқиш билан кузатяпти. Масалан, ҳозир юртимизда қарийб 3,5 минг мегаватт қувватдаги 13 та йирик “яшил” лойиҳа тармоққа электр токи узатмоқда. Бунинг ҳисобига 2024 йилда “яшил” энергия улуши 16 фоизга етказилди. Яъни экологик тоза энергия қуввати йилига 2-3 карра кўпайтириляпти.

Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистон нефть, газ, кўмирдан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг камида 4,5 фоизини йўқотмоқда. Қолаверса, мамлакатдаги энергия ишлаб чиқарувчи қувватларнинг салкам ярми эскирган. Уларни тиклаш ёки модернизациялаш катта маблағ талаб қилади. Бунинг ўрнига ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан самарали “яшил” энергетикага ўтиш минг чандон афзал. Таҳлиллар ҳам юртимизда қуёш ва шамол энергетикаси имконияти электрга ҳозирги эҳтиёжни 10-12 баробар ортиғи билан қоплашга етишини кўрсатяпти. Лекин шундай улкан имконият анча йил ишга солинмаган.

“Яшил” энергетикага ўтиш йўлидаги ҳаракатлар 2019 йилдан бошланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан нолдан янги тармоқ пайдо бўлди. Президентимизнинг “2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида яқин ўн йилда мамлакатда углерод сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоғида экологик тоза ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилганди. Шу тариқа юртимизда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича дадил қадам ташланди. Тез орада умумий қуввати 20 минг 630 мегаваттга тенг қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича халқаро компаниялар билан ҳамкорликда 40 та битим имзоланди.

Қуёш ёки шамолдан электр энергияси олиш биз учун мутлақо янги йўналиш бўлган. Бу борада на тажриба, на тасаввур, на бирор асос, на илмий изланиш ва лойиҳалар бор эди. Шундай шароитда ягона чора хориж тажрибасини ўрганиш бўлди. Шу боис, соҳани ислоҳ этишни биринчи галда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг етакчи экспертлари билан маслаҳат қилишдан бошладик. Айни чоғда қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ва янги қарорларни қабул қилиш орқали энергетика тармоғида бозор тамойилларига асосланган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Соҳада маъмурий-буйруқбозлик механизмлари ва монополиядан воз кечиб, замонавий бошқариладиган очиқ ва шаффоф тизимга ўтилди. Хусусий сектор ва хорижий компанияларнинг кириб келиши учун қулай имкониятлар яратилди. Энергетика вазирлиги, шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича масъул ва жавобгар янги ташкилотлар тузилди.



Буларнинг барчаси тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилди. Жаҳон “яшил” энергетика майдонининг гигантлари юртимизга кириб кела бошлади. Албатта, ҳамкорлик, тажриба тўплаш ва катта лойиҳаларни амалга ошириш учун уларга эшикларимиз кенг очилди. Саудия Арабистонининг “ACWA Power”, БААнинг “Masdar”, “Tepelen Group AG” ва “Solar Power Shine”, Франциянинг “Total Eren”, “Voltalia”, Хитойнинг “China Energy Overseas Investment”, “China Datang Overseas Investment” ҳамда “Universal Energy”, Германиянинг “Hyper Partners” компаниялари томонидан бирин-кетин йирик лойиҳалар старт олиб, фаол давом эттирилмоқда.

— Бугунга қадар соҳага 3 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция кириб келди, яна 15,5 миллиард долларликдан ортиқ лойиҳалар амалга оширилляпти, — дейди энергетика вазири ўринбосари Умид Мамадаминов. — Деярли барча вилоятларда замонавий қуёш ва шамол электр станциялари барпо этилмоқда. Жумладан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Наманганда қарийб 3,5 гигаваттли 13 та йирик қуёш ва 3 та шамол электр станцияси ишга тушди. Мамлакатда 2017-2024 йилларда умумий қуввати 456 мегаватт йирик, кичик ва микро ГЭСлар ишга туширилди. Агар йиллар кесимида таҳлил қилсак, лойиҳалар сони ҳам, кўлами ҳам ортиб бораётгани кўзга ташланади. Хусусан, 2021 йил августида Навоий вилоятининг Кармана туманида Ўзбекистондаги илк 100 мегаватт қувватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилган эди. 2022 йил майида Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида иккинчи 100 мегаватт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси фаолият бошлади. 2023 йил ҳам тармоқда анча баракали йил бўлди. Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида 220 мегаватт, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида 220 мегаватт, Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида 200 мегаватт, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида 200 мегаватт, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида 457 мегаватт қувватли қуёш фотоэлектр станциялари ишга туширилди. 2024 йилда мазкур лойиҳаларнинг қўшимча янги қувватлари ҳам йўлга қўйилди.



Бундан ташқари, ўтган йили Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида умумий қуввати 200 мегаватт, Навоий вилоятининг Томди туманида 400 мегаватт, Наманган вилоятининг Поп туманида 200 мегаватт, Тошкент вилоятининг Бўка туманида 50 мегаватт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси, Бухоро вилоятининг Пешку ва Ғиждувон туманларида ҳар бирининг қуввати 200 мегаваттдан бўлган 2 та шамол электр станцияси ишга туширилди. Улар орқали жорий йилнинг шу даврига қадар юртимизда қуёш электр станциялари томонидан 4 миллиард киловатт-соатдан ортиқ, шамол электр станцияси томонидан эса қарийб 800 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Йирик қувватли лойиҳалар 1 миллиард 450 миллион куб метр табиий газ тежалиши ҳамда атмосферага 2 миллион тонна зарарли газ чиқишининг олдини олишга хизмат қиляпти. Асосийси, мазкур ҳажмдаги электр энергияси 2 миллион хонадоннинг бир йиллик ижтимоий нормасини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистонда 2030 йилга қадар йилига 60 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Ушбу даврга бориб, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 54 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Мегалойиҳалар даври

Ўзбекистонда қачондир “яшил” энергетика йўналишида шундай катта қувват яратилади, деса биров ишонмасди. Ҳозир ҳам лойиҳаларнинг қийматини кўпчилик етарлича англаб етмаяпти. Аммо вақти келиб, мамлакат “яшил” энергетика тараққиётининг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам экологик самарадорлиги ҳаёт тарзимизга бевосита кириб келади.

2024 йил 13 декабрда пойтахтимизда янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида қиймати 3,7 миллиард долларлик 18 та янги қувват ишга туширилди, навбатдаги 6 та лойиҳа қурилишига старт берилди. Жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилган ушбу воқеа ҳақида Президентимиз бундай деди: **“Бугунги тадбир юртимиз энергетика тарихида янги саҳифа очади. Ишга туширилаётган бу лойиҳалар орқали нафақат иқтисодий ўсишга эришамиз, балки келажак авлодларимиз учун яшил ва барқарор Ўзбекистоннинг мустақил пойдеворини яратамиз”.**

Воқеа чиндан тарихий. Унинг тарихийлиги шундаки, Ўзбекистон ўзининг “яшил” энергетика имкониятларидан фойдалана бошлади. Табиат бизга инъом этган табиий манбаларни электр энергиясига айлантириш тажрибасига қадам қўйди. Бу йўлда шиддат ҳамда қатъий ишонч билан ҳаракатланяпти, хорижлик ҳамкорлар ҳам инвестициялар ҳажмини оширишдан чўчимаяпти. Хусусан, Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар қиймати 15 миллиард доллардан ошди. Хитойнинг “Energy China” компанияси 6 миллиард, БААнинг “Masdar” бренди эса 2 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларида иштирок этмоқда. Ваҳоланки, жаҳон энергетика саноатининг мазкур илғор уч бренди ишончини қозониш, ҳамкорига айланиш осон эмас.

* * *

2023 йил декабрида мамлакатимизда 5 та қуёш ва 1 та шамол электр станцияси ишга туширилган эди. 2024 йилда бу кўлам бир неча баробар кенгайди — 13 декабрда умумий қиймати 7 миллиард доллардан зиёд 24 та лойиҳа тайёрланди. Иш бошлаган лойиҳалар орасида Бухоро, Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида қарийб 2,3 минг мегаватт қувватга эга 5 та қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда 5 та юқори кучланишли подстанция ҳам бор. Лойиҳалар, аввало, ҳудудларда энергетика барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса нафақат олис манзилларгача узлуксиз электр токи етиб боради, балки саноат ривожланиб, янги қувватлар, корхоналар ишга тушади, дегани. Қолаверса, ҳар бир лойиҳа ортидан юзлаб, минглаб одам иш билан таъминланади.

Наманган вилояти Поп туманида ишга туширилган 500 мегаватт қувватли қуёш фотоэлектр станциясининг қурилиши ўтган йили мартда бошланган эди. Лойиҳа Германиянинг “Hyper Partners” компанияси томонидан амалга оширилляпти. У тўлиқ ишга туширилгач, йиллик 1 миллиард 95 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бунинг учун 1100 гектар майдонда 1 миллиондан ортиқ қуёш панели жойлаштирилади. Мутахассисларнинг айтишича, панеллар ҳам устки томондан қуёш нурини қабул қилади, ҳам пастки томондан ердан қайтган нур ҳисобига энергия олади. Станция қурилиши пайтида 500 та, тўлиқ ишга туширилгач эса 30 та янги иш ўрни очилади. Нафақат Поп тумани, балки бутун водий узлуксиз электр энергияси билан таъминланади.

Навоий вилояти Томди туманида “Masdar” компанияси билан ҳамкорликда қуриб битказилган шамол электр станцияси ҳам тўлиқ қувватда ишлай бошлади. Қарийб 293 гектарли майдонда қурилиш-монтаж ишлари бажарилган, мазкур лойиҳа қиймати 600 миллион долларга тенг. Ҳозир ҳар бирининг қуввати 4,7 мегаваттдан умумий қуввати 500 мегаваттли 111 та шамол турбинаси ўрнатилган. Станциянинг тўлиқ ишга тушиши натижасида йилига 1 миллиард 752 миллион киловатт-соат ёки қарийб 730 минг хонадоннинг бир йиллик истеъмолига тенг “яшил” энергия ишлаб чиқарилади. Бу, ўз навбатида, 531 миллион куб табиий газни тежаш ва 736 минг тонна зарарли модда атмосферага чиқарилишининг олдини олиш имконини яратади. Қолаверса, барқарор энергия манбаи Навоий вилоятининг олис чўл ҳудудларидан бири бўлган Томди туманида нафақат бугунгидек чорвачилик, балки саноат ривожига хизмат қилади.

Икки оғиз сўз...

Иқтисодиёт тармоқлари ривожи бевосита барқарор энергетикага боғлиқ экани тобора ойдинлашмоқда. Бизда бу борада ҳали камчиликлар бор. Масалан, бир неча йилдан буён қиш мавсумида аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида саноат корхоналарида айрим чекловлар ўрнатилмоқда. Бу ишлаб чиқаришда узилишлар, ҳатто катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Ваҳоланки, биз иқтисодий жиҳатдан тез ўсаётган давлатлар қаторига кириб олдик. 2023 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард долларлик тарихий маррани забт этди. 2030 йилга бориб, иқтисодиётимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу келгуси 5 йилда юртимизда электр энергиясига эҳтиёжни ҳозиргидан 1,5 баробар оширади. “Яшил” энергетика қувватларисиз талабни қондириш қийин.

Таҳлилларга кўра, жорий йил юртимизда 84 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Таққослаш учун: 2016 йилда ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми 60 миллиард киловатт ҳам бўлмаган. Қувватни “яшил” энергетика ҳисобига ошириб бориш кўзланган. 2030 йилга қадар эса мамлакатимиз энергетика мувозанатида қайта тикланувчи энергия қуввати 54 фоизга етказилади. Бунда ҳам асосий эътибор йирик инвестиция лойиҳаларига қаратилади.

Жумладан, 2030 йилга қадар яна 19 минг мегаваттли “яшил қувват” барпо этилиб, қайта тикланувчи энергия улуши 54 фоизга етказилиши кўзланган. Бу йил “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажми 11 миллиард киловатт-соатдан ошиши кутилмоқда. Жараёнда “яшил” энергетика бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлик кенгайиб боради. Бу борада биринчи амалий қадамлар қўйилди — COP29 доирасида Қозоғистон, Озарбайжон ва Саудия Арабистонидаги ҳамкорлар билан “яшил” энергияни Европага экспорт қилиш бўйича битим имзоланди.


“Яшил” энергия одамлар учун ҳам даромад манбаи бўлиши мумкин. Хонадонига қуёш панели ўрнатиб, эҳтиёжидан ортган электр токини давлатга сотиш тажрибасидан ҳозир кўпчилик хабардор. Ҳар ҳолда аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа объектлари ва бюджет ташкилотлари томонидан 2023-2024 йилларда қарийб 1 минг мегаватт қувватли қуёш панели ўрнатилиб, йилига 1,3 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлди. Демак, “яшил” энергетика мамлакатимизда соҳа ва тармоқларнинг ривожига хизмат қилиш баробарида аҳоли турмуши яхшиланишида ҳам янги драйверга айланмоқда.

Муҳаммад АБУНАЙЯН,
“ACWA Power” компанияси раиси:

— Дунёда кўпчилик муқобил энергияга ўтиш ҳақида гапирмайди. Лекин Ўзбекистон буни амалиётга татбиқ этди ва бу борада жаҳонга намуна бўлмоқда. 2024 йилда биз мамлакатда ишга туширилган катта лойиҳаларга гувоҳ бўлдик, мегалойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларнинг ҳеч бири Жаноб Президентнинг кучли етакчилигисиз амалга ошмаган бўларди. Давлат етакчиси доим лойиҳаларнинг ранг-баранглигига эътибор қаратади, ҳаракатлар аниқ стратегия, узоқни кўзлаган сиёсатга асосланган. Кейинги йилларда эришилган муваффақиятлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон “яшил” иқтисодиёти келажакда янада кўп инвесторларни жалб қилишига ишонаман. Бу “яшил” водород, “яшил” дата марказ ёки “яшил” сунъий интеллект бўлиши мумкин. Мазкур йўналишда “ACWA Power” компанияси доим Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори бўлиб қолишга тайёр.

Син ЗОНГЙИ,
“Energy China” компанияси вице-президенти:

— Ўзбекистон динамик иқтисодиётга эга давлат бўлиш билан бирга сармоядорлар учун жозибадор мамлакатга айланди. Бу биз каби йирик компанияларни қизиқтиради. Мамлакатда 6 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Ўтган йили 1 гигаваттли қуёш фотоэлектр станцияси учун тўғридан тўғри инвестиция киритган бўлсак, бу йил яна 2 та электр энергияси сақлаш тизими лойиҳасини бошлаб юбордик. Ўзбекистон “яшил” энергетика соҳасида ўз олдига жуда катта мақсадлар қўйган, улкан жамоа, катта куч ишга солинган. Ишонаманки, бунинг натижасида Ўзбекистон яқин йилларда қўшни давлатларга ҳам, Европа давлатларига ҳам “яшил” энергия экспортини амалга ошира олади. Бу бўйича жуда пухта дастур ишлаб чиқилган. “Energy China” компаниясининг олдида ҳам яна 6 та электр энергияси сақлаш тизимини қуриш лойиҳаси турибди.





МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИ — МАКТАБ, УСТУНИ ЭСА МУАЛЛИМДИР

Муносабат

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган эзгу ғояси асосида мактабгача ва мактаб таълими соҳаси ҳамда педагог кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро андоза ва замонавий талаблар асосида ташкил этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.



Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Низомий номидаги ТДПУ ректори

Бу ислоҳотларни биргина Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мисолида кўрадиган бўлсак, 2015-2016-ўқув йили охирларида деярли ёпилиб кетаётган олийгоҳ ўша даврда мамлакат Бош вазири бўлиб ишлаган Шавкат Мирзиёев томонидан катта қийинчиликлар эвазига сақлаб қолинди. Бу даргоҳ кейинчалик айнан давлатимиз раҳбарининг тизимли ва бевосита эътибори натижасида республикамизда мактабгача ва мактаб таълимига педагог кадрлар тайёрловчи энг йирик олийгоҳга айланиб, таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўйича етакчи олий таълим муассасаси этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Президентлик вазифасига киришган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистонни илм-фансиз, таълим ва тарбиясиз ривожлантириб бўлмаслигини, барча соҳа ва тармоқларда белгиланадиган улкан мақсадларни амалга ошириш ва тараққиётни давом эттириш ёш авлоднинг билим ва тафаккурига, тарбиясига, ватанпарварлигига бевосита боғлиқлигини, шунинг учун ҳам янги Ўзбекистоннинг биринчи замини сифатида ўқитувчиларни кўришини, олий педагогик таълимни ўзгартирмасдан мактаб таълимини ўзгартириб бўлмаслигини таъкидлади, ўқитувчиларни янги методикаларга ўқитиш тизими Тошкент давлат педагогика университетидан бошланиши лозим, деган ғоя олға сурилди.

2022 йилда ана шу юксак ишончнинг амалий тасдиғи сифатида давлатимиз раҳбарининг “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, университет халқаро талабларга мувофиқ трансформация қилиниши белгиланди. Олтита йўналишдаги 26 та яхлит вазифани ўз ичига олган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди. Қарор билан ўта долзарб ва ўзаро боғлиқ учта вазифа: замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

2024 йил 3 апрель куни Янги Тошкент шаҳридаги илк иншоотлар қурилишига бағишланган тадбирда Президентимиз **бу улкан лойиҳа қурилиши илм ва таълим масканларидан бошланаётганига алоҳида урғу бериб, булар маърифатли жамият барпо этиш ғоямизнинг асоси ва намунаси бўлади,** деган эди.

Маърифатли жамиятнинг асосий пойдевори мактаб бўлса, муаллим унинг устуни эканини таъкидлаб, Янги Тошкент шаҳри қурилишида биринчилар қаторида Тошкент давлат педагогика университетининг янги кампуси барпо этилишини билдирди. Юқори рейтингли хорижий олийгоҳлар тажрибаси асосида “боғча — мактаб — университет” яхлитлигидаги инновацион педагогик кластер фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида кампус 20 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари, 5 минг ўринли ётоқхона, 300 ўринли боғча, 616 ўринли мактаб, 588 ўринли академик лицей, шунингдек, замонавий спорт комплекси, маданият саройи, амфитеатр ва бошқа объектларни ўз ичига олади.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 28 декабрь куни Янги Тошкент лойиҳаси қурилишини кўздан кечириш давомида университет учун қурилаётган биноларни бориб кўрди. **“Мен аввал айтганимдек, бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт бўлса, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади. Билимли ёшлар боболаримизга муносиб кенг фикрли, миллий ғурурли, етук инсонлар бўлади. Шунинг учун янги шаҳримиз қурилишини маърифат масканларидан бошлаяпмиз. Булар юз йилга татигулик маънавият, маърифат, илм ўчоғи бўлиши керак”,** деди Президентимиз.

Шунингдек, фақатгина университет биноси янги бўлмаслиги, шунга мос равишда таълим сифати ва самарадорлиги ҳам янги ва юқори бўлиши, мактабларга нур, билим олиб кирадиган ёшларни тарбиялаш кераклигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қурилаётган мажмуада педагог ва талабалар учун энг замонавий қулайликлар ҳозирланиши, таълим мазмуни, ўқув жараёнини ташкил этишда дунёнинг энг нуфузли олийгоҳлари тажрибалари жорий этилиши лозимлиги, ўқув жараёнининг замонавий бошқарув асосида ташкил этилиши, дуал таълим йўлга қўйилиши эвазига ўқиш ва амалиёт сифатида ўсиш бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, хорижий тажрибани ўрганиш учун ҳозирдан университет профессор-ўқитувчилари ва ўқув жараёнига мутасадди ходимларни хорижга юбориш, биноларни жиҳозлашда нималарга эътибор бериш лозимлиги бўйича аниқ таклиф ва кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари мажмуанинг келгусидаги аҳамиятига тўхталиб, **янги бинолар фақат маҳобати билан ажралиб туриши керак эмаслиги, балки илм ва маънавият улашишда пешқадам бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.** Янги имкониятларга эга иншоотни бошқаришда илмий-инновацион асосларга таянилган ёндашув кераклиги, шундан келиб чиқиб, ўқув услублари, аудитория фондини юритиш мукаммал бўлиши, ўқув жараёнини оқилона ташкил этиш бўйича зарур топшириқлар берилди.


Президентимизнинг университетимизга бундай эътибори ва ғамхўрлиги, ўз навбатида, кўп минг сонли меҳнат жамоамизга жуда катта масъулият ҳам юклайди. Ишонтириб айтаманки, жамоамиз бу масъулият ва ишончни, албатта, оқлайди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

САЛКАМ 70 ЙИЛДАН ОРТИҚ БИРГА, ЁНМА-ЁН

Ахмадали АСҚАРОВ,
академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби



Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ аждодларимиз қолдирган бой илмий мерос ҳали-ҳануз дунё илм-фани ривожида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Асрлар ўтса ҳамки, номлари ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинадиган буюк алломалар қутлуғ заминимизда етишиб чиққани олимлик, илму маърифатга ташналик қонимизда борлигига ишорадир.

Буюклар авлодининг тафаккур кучи, ижодий қуввати ҳеч қачон сўнмаган. Илм истагида ёнган юраклар кўп бўлган. Аммо имконият ва шароит, ўзини намоён этиши учун майдон етарли эмасди.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг илк кунларида илм-фанни янги босқичга кўтариш кун тартибидаги масалалардан бири эканини таъкидлади. 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувидан сўнг биз — олимларда фанимиз келажагига умид уйғонган, бир муддат эътиборсиз қолдирилган соҳа ривожига ишонч пайдо бўлган эди. Орадан 7-8 йил вақт ўтиб, амалиётда бу умидлар кутилгандан ҳам кўпроқ ва юқори даражада рўёбга чиқаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Фанлар академияси институтлари тиклангани, янги олий таълим муассасалари, хорижий университетлар филиаллари очилгани, академиклар фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани фикримиз далилидир.

Илм-фан ва миллий тараққиёт — муштарак тушунча. Қолаверса, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш, тараққиётни усиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Учинчи Ренессанс орзусидамиз. Бугун юртимизда бунга зарур пойдевор қўйилмоқда. Илғор таълим тизимини яратиш ғояси илгари сурилди. Бу улкан мақсадларга эришишда педагог кадрлар тайёрланадиган олийгоҳларни ҳам моддий, ҳам мазмунан қўллаб-қувватлаш катта аҳамият касб этади.

> **Умрим мазмуни 1952 йилдан буён Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан узвий боғлиқ. Шу олийгоҳда етук устозлар назарига тушиб, тарих ва археология фанлари бўйича кўплаб илмий ва педагогик ютуқларга эришдим. Талабалик давримдан то бугунги кунгача университет ҳаётида рўй берган барча тарихий воқеалар гувоҳи ҳамда кўпчилигининг бевосита иштирокчисиман.**

Бундан 9 йил муқаддам, университет асосий бинолари Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги ҳудудидан ҳозирги Чилонзор туманидаги манзилга кўчирилган.

Шу кунга қадар университет талабалари Тошкент шаҳри ва вилоятининг жами 7 та ҳудудида жойлашган ўқув биноларида таҳсил олиб келмоқда. Ҳаттоки энг узоқ ҳудуд асосий бинодан 47 километр узоқликда — Тошкент вилоятининг Ҳасанбой қишлоғида жойлашган. Биноларнинг аксарияти эскирган. Бу эса, ўз навбатида, таълим сифати, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун жиддий ноқулайликлар туғдирар эди.

Ўтган 2024 йилни университет тарихига зарҳал ҳарфлар билан битса арзийди. Сабаби давлатимиз раҳбарининг жонкуярлиги ҳамда эътибори натижасида университет учун янгона ва яхлит манзилда замонавий кампус шаклида бинолар қурилиши учун жой ажратилди. Бундай замонавий кампус қурилиши биронта олийгоҳ тарихида бўлмаганига ишончим комил. Айниқса, педагог кластер яратиш мақсадида кампус ҳудудида боғча, мактаб, академик лицей биргаликда қурилиши илк бор кузатиладиган ҳолат бўлди.

Университетимизга билдирилган ушбу юксак ишонч кўп минг сонли жамоамиз томонидан катта хурсандчилик ва юксак масъулият, кучли шижоат ва чексиз фахр билан қабул қилинди. Чунки ўқув бинолари тарқоқ ҳудудларда жойлашган, ўқув ўринлари ва талабалар турар жойларига ўткир эҳтиёжи бор университет учун бу янгилик чинакам маънодаги орзулар ушалиши десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧ ЗИММАМИЗГА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ



Маматсали МАДИРИМОВ,
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Ҳар бир авлод ўзидан кейинги авлоднинг янада илмли бўлиши ҳақида қайғуриши унинг инсоний бурчи ҳисобланади. Президентимизнинг **“Илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳада келажак бўлмайди”,** деган сўзлари замирида ҳам шу ҳақиқат мужассам.

Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз давлат сармоясининг салмоқли қисмини таълим соҳасига ажратмоқда. Таълим ва тарбияга ислоҳотларнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қаралиши яқин келажакда мамлакатимизнинг технологик ривожланиши, юртимизда янгидан янги ихтиролларнинг кашф этилишига асос бўлиши шубҳасиз.

Тарихан қайси жамиятда илм-фан ривожланишига жиддий эътибор қаратилса, ўша ерда малакали мутахассислар етишиб чиқади ва улар орқали тараққиётга эришилади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳаётий ҳақиқат. Инсоният асрлар давомида бунга кўп гувоҳ бўлган.

Мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантириш, энг аввало, замонавий фикрлайдиган, креатив ва ташаббускор педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ этишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам олий педагогик таълим тизимида ҳам ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда.

1964 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (ўша даврда институт)га ўқишга келган бўлсам, узлуксиз равишда фақат шу даргоҳда меҳнат фаолиятини юритдим. Оддий ассистент ўқитувчиликдан то профессорликкача бўлган машаққатли илмий-педагогик йўлни босиб ўтдим. Кўп йиллар давомида шу олийгоҳда факультет декани, касаба уюшмаси раиси каби лавозимларда ишладим.

Педагогик ва раҳбарлик фаолиятимда ҳеч қачон талаба ёшларнинг билим олиши учун бугунгидай муносиб шароит яратилмаганини, профессор-ўқитувчилар ва олимларнинг меҳнати ҳеч қачон ҳозирги даражадаги каби қадрланмаганини доимо жамоамиздаги ёшларга эътироф этиб келаман.

Айниқса, кейинги йил 90 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриладиган университетимиз учун дунёнинг етакчи олийгоҳлари андозасидаги боғча — мактаб — олийгоҳ шаклидаги замонавий кампусга эга бўлиш муносиб тўёна бўлади, дея фахр билан айта оламиз.

Юксак эътибор ва ишонч юқори билим ва малакага эга етук педагог кадрларни етиштиришда университет жамоасига сўнмас куч ва ғайрат бағишлайди. Айни чоғда зиммамизга улкан вазифа ва масъулиятни ҳам юклайди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ишончига мос бўлиш йўлида камарбаста бўлиб, сидқидилдан меҳнат қилиш университет ходимлари учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шукрона

ОРТДА ҚОЛГАН ЙИЛ ОМАДЛИ БЎЛДИ

Ҳар сафар янги йил остонасида ортда қолаётган йилни сарҳисоб қиламиз. Ўтган бир йилда нималарга эришганимизу нималарга улгуролмаганимиз ҳақида ўйлаймиз. Ҳаёт бир текис бўлмагани каби ҳар ким учун ҳар хил вазият бўлади. Кимдир ютуқларга эришади, яна кимдир азалий орзусини амалга оширади. Юртимизда йилдан йилга одамларнинг яшаш тарзи яхшиланиб бормоқда. Кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланишлар, ободлик ва фаровонлик ўз натижасини кўрсатмоқда. Бу шунчаки муболаға эмас, амалда кўриниб турган бор гап.



Дилбар УЖАРОВА,
Ғузор туманидаги “Қовчин” оилавий шифокорлик пункти шифокори, “Соғлом турмуш” медали соҳиби

Бугун мамлакатимизнинг қайси манзилида бўлманг, фақат ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўласиз. Бир пайтлар дилни хира қиладиган қаровсиз бинолар, ижтимоий объектлар ўрнида янгиси қурилган. Бир бор ўтсангиз ҳам чарчатадиган абгор йўллар равон бўлганини кўриб дилингиз яйрайди.

Олийгоҳни тугатиб, шифокорлик касбини бошлаганимда анча ёш эдим. Бир олам орзулар оғушида ишга келганимда оддийгина, қаровсиз хоналарни кўриб, тушкун кайфиятга тушиб қолганман. Шароити бир аҳвол бўлган жойда ишлашга мажбур бўлганман. Кейинчалик ўзимнинг маҳалламга яқин Ғузор туманидаги “Қовчин” оилавий шифокорлик пунктига ишга ўтдим. У ерда ҳам айтарли имконият йўқ эди. Айниқса, қишнинг қорли-қировли кунларида, ёмғир ёққан пайтларда ичкарида ўтириб бўлмасди. Томдан чакка ўтиб, хоналарда кўлмак ҳосил бўлиб қоларди. Иложсиз ҳолда ишлашга мажбур эдик. Иситиш тизими ҳақида гапирмаса ҳам бўларди.

Орадан вақт ўтиб, барча соҳалар қатори тиббиётга ҳам эътибор қаратила бошланди. Жойларда янгидан янги шифохоналар барпо этилиб, аҳолининг даволаниши учун қулайликлар яратилди. Жумладан, бизнинг оилавий шифокорлик пункти ҳам 2024 йилда давлат дастури асосида таъмирланди. 4 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланиб, биномиз замонавий қиёфага келтирилди.



Энг муҳими, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шароит яратилди. Бундан нафақат маҳалламиз одамлари, балки биз — шифокорлар ҳам мамнунмиз.

Ортда қолган йил мен учун омадли келди. Жумладан, Президентимизнинг 2024 йил 8 ноябрдаги “Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига биноан “Соғлом турмуш” медали билан тақдирландим. Бундай юксак эътирофдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Камтарона меҳнатим эътироф этилгани касбимга меҳримни янада оширди. Бундан ташқари, халқ депутатлари Ғузор туман кенгаши депутатлигига сайландим.

Қисқаси, поёнига етган йил мен учун унутилмас, яхши кунларга бой ўтди. 2025 йил ҳам барчамиз учун омадли бўлсин! Ҳеч ким бемор бўлмасин!

Сарҳисоб

Юртимиздаги кенг қамровли ислоҳотлар барча соҳа вакиллари, ёшу кексани хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда. Пировардида қишлоқ ва шаҳарларимиз обод бўлиб, ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга фаровонлик кириб бормоқда.
Ўтган қисқа муддатда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, нуфузи юксалди. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, спорт, маданият ва маънавият, қўйингки, барча жабҳалардаги илдамлик иқтисодиётнинг юксалишига ҳам ижобий таъсир қилди. Биргина 2024 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 6,3 фоиз ошиб, 111 миллиард доллардан ортди. Аҳоли жон бошига даромад 3 минг долларга етиши кутилмоқда.



УЛУҒ ИШДА КАМАРБАСТАМИЗ



Содиқжон ТУРДИЕВ,
“Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси, сенатор,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Янги Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги катта ютуқлари ташқи ва ички сиёсатдаги тўғри ҳамда одилона қарорлар самараси эканини дунёнинг кўзга кўринган эксперт-лари эътироф этмоқда.

Нуронийлар билан бирга маҳаллаларда бўлиб, суҳбатлашганимизда одамларнинг дунёқараши ўзгаргани, ватанпарварлик ҳисси кучайгани, эртанги кунга ишончи ортганини кўряпмиз.

2024 йилда “маҳалла еттилиги” тизимининг жорий этилиши маҳаллаларни янада обод қилиш, халқимиз фаровонлигини ошириш, ҳамюртларимизни рози қилиш йўлидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Хусусан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши ногиронлиги бўлган, эҳтиёжманд шахслар учун эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди. Ҳудудларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилиб, ёрдамга муҳтож юртдошларимизга 102 хил ижтимоий хизмат кўрсатилаётгани одамларни ниҳоятда қувонтирди, қанчадан қанча ўксик кўнгиллар дардига малҳам бўляпти.

Айниқса, Президентимизнинг ёшлар тарбияси, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилаларда аҳиллик ва тотувликни асрашда нуронийларнинг кўп йиллик тажрибасига юксак ишонч билдираётгани эътиборлидир.

Бу хайрли ишларда “маҳалла еттилиги”га кўмакчи бўлиб турган мўйсафидлар “Бир нуроний — ўн ёшга масъул”, “Нуроний — ҳар бир оилага масъул” каби тамойиллар асосида фаоллик кўрсатмоқда. Уларнинг маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати натижасида 11 мингга яқин муаммоли оилада ижтимоий барқарорлик таъминланди.

Мамлакатимиз бўйлаб айни пайтда 163 та замонавий “Нуронийлар маскани” хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу масканларда “Оналар боғи”, “Нуронийлар боғи”, “Дўстлик ва бирдамлик боғи”, “Нуронийлар ва ёшлар боғи” ташкил этилди.

Нуронийлар бугун давлатимиз раҳбарининг ишончи, эътибори, меҳридан куч оляпти. Халқимизни рози қилиш йўлидаги ишлар кексалик гаштини сураётган 3 миллион 300 мингдан зиёд отахону онахоннинг ҳаётида ҳам ўз ифодасини топяпти. Кексайиб, ёлғиз яшаётган, меҳр-эътиборга муҳтож ёши улуғлар ҳолидан хабар олиниб, беморларга даволаниши учун шароит яратиляпти. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига алоҳида меҳр-эътибор кўрсатиляпти.

2024 йилда кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш тизими юқори босқичга кўтарилди. “Кексалар саломатлиги ойлиги”, “Кексалар ҳафталиги”, “Кексалар учун туризм ойлиги” доирасидаги меҳр-мурувват ва ғамхўрлик нуронийларимизнинг ғайратига ғайрат қўшди. Қарийб 1,5 миллион отахон ва онахоннинг тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, диққатга сазовор жойларга саёҳати, театр ва музейларга бепул ташрифи уюштирилди.

Ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз яшайдиган кексалар сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклади. Аксарият нуронийлар бепул мукаммал тиббий текширувдан ўтказилди. Яна кўпига саломатлигини тиклаш учун абонемент харажати қоплаб берилди. Ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз кексалар ҳамда кам таъминланган оилаларда яшайдиган улуғлар ҳолидан хабар олинди.

Атроф-муҳит мусаффолигини асраш ҳақида гап борар экан, олдимизда турган вазифаларга тўхталиб ўтиш зарур. Ёшларни она табиатга меҳрли қилиб тарбиялаш, табиат неъматларидан тежамкорлик билан фойдаланишни ўргатиш, аввало, оилада шаклланади. Боболар ўғли ва набираси билан бирга ниҳол экса, шу ниҳолни парваришлаган бола юрагидаги орзу ва мақсадлар ҳам дарахт билан бирга ўсиб-улғаяди.



Бундай ғамхўрлик ва эътибор, албатта, нуронийларни жамият ҳаётида янада фаол бўлишга руҳлантирмоқда. Маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати”, “Бувижонлар мактаби” гуруҳлари фаоллари оилалар аҳиллиги, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳамжиҳатлик муҳитини асраш йўлида “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишлаяпти.

Нуронийларга эътибор, меҳрли сиёсат туфайли янги Ўзбекистонда табаррук 100 ёшга етган ва ундан ўтган отахон ва онахонлар сони 600 га яқинлашди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури камбағалликдан қийналаётган оилалар вакилларига касб-ҳунар ўргатиб, жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш йўлида улкан ҳаракатга айланди.

Бугун юртимизда барча оилаларни фаровонликка олиб чиқишга кенг йўл очилди. Ёнимизда яшаётган одамларнинг ҳар бири яхши яшаш, жамиятда ўз ўрнини топиш, фарзандларини билимли қилиб ўстиришни истайди. Маҳаллалардаги ёши улуғлар эса ўша жойнинг пасту баландини яхши билади. Шу боис, одамлар дунёқарашини ўзгартириб, тадбиркорликка, касб-ҳунар ўрганишга кенг жалб этишда нуронийларнинг ўрни катта бўлмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 25 ноябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишга фаол нуронийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, биз — нуронийлар зиммасига оилаларни камбағалликдан чиқариш, томорқадан самарали фойдаланиш, юқори даромадли экинлар экилишини ташкил этиш, экинларни парваришлаш кўникмасини шакллантириш



мият касб этади. Бу ишда нуронийлар ҳам фаол иштирок этаётгани, айниқса, эътиборли. Хусусан, умуммиллий лойиҳанинг кузги мавсумида нуронийлар иштирокида 20 мингдан ортиқ тарғибот тадбири ташкил этилди. Тадбирларда доно халқимизнинг “Умрингдан бир кун қолса ҳам кўчат эк” деган ҳикмати, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган миллий қадрият ва анъаналаримиз, дарахт экиш, боғу гулзорлар барпо этиш борасидаги гўзал одатларимиз ёшлар онгига сингдирилмоқда. Умуман олганда, лойиҳа доирасида экилаётган ҳар бир туп ниҳолни парваришлашда бободеҳқонларимиз, боғбонларимиз ёшларга намуна, ўрнак бўлмоқда.

Дунёда кечаётган иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, атроф-муҳит ифлосланиши кеча ёки бугун пайдо бўлмади. Инсоният йиллар давомида табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланди. Оқибатда бугун бутун дунёда табиий тизим ўзгариб, геоэкологик муаммолар кун сайин ортиб бормоқда. Ҳар дақиқада дунё бўйлаб 23 гектар ер чўлланиб бораётгани, чўлланган ўлкаларда экологик тизимлар бузилаётгани, пировардида табиий, иқтисодий инқироз, озиқ-овқат танқислиги, сув муаммолари юзага келаётгани жаҳон аҳлини ташвишга солмоқда.

Бу муаммоларга ечим топиш учун эса атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, она табиатга зарар етказмайдиган “яшил” иқтисодиётга ўтиш талаб этилмоқда.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бугунга келиб умуммиллий ҳаракатга айланди. Биргина 2024 йил баҳорида 138 миллион туп кўчат экилиб, 10 минг гектардан зиёд “яшил белбоғ”, 257 та боғ барпо этилди.

2024 йилда кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш тизими юқори босқичга кўтарилди. “Кексалар саломатлиги ойлиги”, “Кексалар ҳафталиги”, “Кексалар учун туризм ойлиги” доирасидаги меҳр-мурувват ва ғамхўрлик нуронийларимизнинг ғайратига ғайрат қўшди. Қарийб 1,5 миллион отахон ва онахоннинг тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, диққатга сазовор жойларга саёҳати, театр ва музейларга бепул ташрифи уюштирилди.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган “Кексалар маслаҳати” гуруҳи, “Бувижонлар мактаби” фаоллари атроф-муҳит мусаффолигини асраш, ҳар бир маҳалладаги табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, ариқ ва зовурларни ифлослантирмаслик ҳақида ёшлар орасида тушунтириш, тарғибот ишларини кучайтирмоқда. Табиий ресурслар ҳақида гап кетганда, тежамкорликка алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Шу сабаб ҳам ёшларга “Нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан” деган ҳаётий ҳақиқатнинг моҳияти, исрофгарчиликнинг аянчли оқибати тушунтирилмоқда.

“Яшил” иқтисодиёт инсониятнинг тўкин-сочин ва фаровон яшаши учун зарур табиий ресурслар: мусаффо ҳаво, тоза сув, дарё ва денгизлар, ўрмонлар, боғ-роғлар, яшил ҳудудлар сақлаб қолинган ҳолда саноат ва ишлаб чиқариш, қурилиш, хизмат кўрсатиш тизими ривожланган, яъни булар ўзаро уйғунлашган иқтисодий фаолият туридир. Замонавий тараққиётни таъминлаш учун қайта тикланадиган энергия манбаларини кўпайтириш, қурилиш, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларини муқобил энергия билан таъминлаш бугун кечиктириб бўлмайдиган масалага айланди. Шу сабаб ҳам атрофга зарарли газ чиқармайдиган, экологик тоза технологияларни яратиш орқали “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Абу Али ибн Сино бобомиз айтганидек, дунёда чанг бўлмаганида инсон минг йил умр кўрарди. Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда эса дарахтлар ва яшил майдонлар инсониятнинг беминнат кўмакчиси. Шу маънода, табиат неъматларидан тежамкорлик билан фойдаланишни ўргатиш, аввало, оилада шаклланади. Боболар ўғли ва набираси билан бирга ниҳол экса, шу ниҳолни парваришлаган бола юрагидаги орзу ва мақсадлар ҳам дарахт билан бирга ўсиб-улғаяди. Ерга, табиатга меҳр қўйишни ўрганади. Табиатни асраб-авайлашда масъулият ҳис этади.

Бу эса биз, катталарнинг зиммасидаги асосий вазифалардан. Табиий ресурслар тақчиллиги ошиб боришини айрим ёшлар ўз муаммоси деб билмаслиги бор гап. Бироқ ташқаридан кимдир келиб, маҳалламиз ободлиги, атроф-муҳитимиз софлигини таъминлаб бермайди, ҳар биримиз ўз имкониятимиз даражасида бу ишга ҳисса қўшишимиз зарур.

Маҳалламизда қуриб-қовжираётган дарахт ёки ниҳолларни, чиқиндиларга тўлиб бораётган ариқ ва зовурларни кўрамиз. Буларни тартибга келтиришда ўзига хос анъаналаримиз бор. Жумладан, азалдан ҳашар йўли билан ариқ ва зовурлар, қабристонлар тозаланган, боғлар барпо этилган. Камхарж оилалар ҳолидан хабар олиниб, ёши улуғ, белидан қуввати кетган отахон ва онахонларнинг ҳовлисига экинлар, ниҳоллар экиб берилган. Ишлар якунига етгач, дошқозонда овқат пиширib, бир дастурхон атрофида маҳалланинг каттаю кичиги, ёшу қариси жамулжам бўлган. Ёши улуғ отахонлар дуо қилса, ёшлар хизматга енг шимарган. Маҳалладаги ҳамжиҳатлик, аҳиллик, бир-бирига меҳр-оқибат шу тахлит шаклланиб борган.

Бугун ҳам шу гўзал одатларимизни давом эттираётган маҳаллалар жуда кўп. Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида бундай қадриятларимиз янада сайқалланиб, маҳаллаларимиз кўркига кўрк қўшилишига ишонамиз.

Умуман олганда, жорий йилда ҳам маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни асраш, хонадонларда аҳилликни таъминлаш, атроф-муҳит ва она табиатимизни асраб-авайлаш бўйича қиладиган ишларимиз кўп. Нуронийларимиз бу йўлда бор ғайрат-шижоати билан маҳаллалар ободлиги, оилалар тинчлиги ва тотувлиги, ўғил-қизларимизнинг бахти, саодати учун камарбаста бўлади. Зеро, янги Ўзбекистонимизда эл-юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги, маҳаллалар ободлиги йўлидаги ислоҳотларга камарбаста бўлиш биз — нуронийларнинг энг улуғ мақсадидир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 9.
38993 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 20:40 Топширилди — 23:35

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05